



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 21 июнь, № 120 (6050)

Шанба

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР

реал сектор тармоқларини модернизациялашда алоҳида аҳамият касб этади



ХАМКОРЛИК

Мамлакатимизда иқтисодийнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминловчи кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги қувватлар ишга туширилиши баробарида, мавжудлари модернизация қилиниб, техник ҳамда технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётди. Реал сектор тармоқларини диверсификациялаш жараёнларини чуқурлаштириш ҳам доимий эътиборда.

Пировардида импорт ўрнини босувчи, экспортбop сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамжи кенгаймоқда. Биргина жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳамжи 12,8 фоиз ўсгани, кўплаб турдаги маҳсулотлар тайёрлаш маҳаллийлаштирилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Албатта, бундай самарадорликка эришишда хориз давлатлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келинаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар орасида мамлакатимизнинг Осиё — Тинч океани минтақасидаги етакчи савдо-иқтисодий шерикларидан бири — Корея Республикаси ўзининг мустаҳкам ўрнига эга. Узок йиллардан бери икки давлат ўртасидаги алоқалар кўплаб

соҳалар қатори иқтисодий тармоқларда ҳам изчил ривожланиб бораётди. 2013 йил якунларига кўра, икки томонлама товар айланмаси 2,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани шундай дейишимизга асос бўлади.

Таъкидлаш кераки, юртимиз иқтисодийига Корея Республикасининг умумий ҳамжи 5 миллиард АҚШ долларидан зиёд

бўлган инвестициялари жалб этилди. Ҳозирги кунда республикада Жанубий Кореянинг "KOGAS", "STX", "HONAM Petrochemical Corporation", "Shindong Resources Co.Ltd.", "Textile Technologies Group" сингарии компаниялари билан биргалликда "Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш", "Саутбой конини ишга тушириш", "Тошкент вилоятида

тўқимачилик мажмуасини ташкил этиш" ва бошқа йирик лойиҳалар рўёбга чиқарилаётди. Айни пайтда юртимизда ушбу давлат сармоясини иштирокидаги 412 та корхона кон-металлургия, кимё, озиқ-овқат саноати, савдо-сотик ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

2014 йил — соғлом бола йили

Фаол, етакчи, изланувчан ва ташаббускор қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни муносиб рағбатлантириш, иқтидорларини рўёбга чиқариш, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Маҳалланинг ораста қизлари

билим ва иқтидорларини намоиш этишди

Президентимиз Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2013 йилда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференцияси иштирокчиларига йўлаган табригида болаларимизни, айниқса, қиз болаларни соғлом вояга етказиш, уларнинг замонавий билим ва касбуналарини, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллашга кўмаклашиш, урф-одат ва маросимларни давр талаби билан уйғунлаштириш Хотин-қизлар кўмитаси, унинг жойлардаги вакиллари ва фаоллари, диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар олдида турган энг муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ушбу йўналишдаги масалалар "Соғлом бола йили" Давлат дастурида ҳам алоҳида белгиланган бўлиб, айни чоғда худудларда унинг ижросига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янада янги босқичга кўтарди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган "Маҳалланинг энг ораста қизлари" республика форуми бу борадаги сай-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ораста қизлар давраси" кўрик-танловлари голиблари, хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Миллий банки — халқаро мукофот соҳиби

Германиянинг Карлсруэ шаҳрида (Баден-Вюртемберг федерал ўлкаси) дунёнинг етакчи банклари ва молия институтларига "Барқарор молиялаштириш учун" халқаро мукофотини топширишга бағишланган тақдирот бўлиб ўтди. Қувонарлиси шундаки, мукофотланган молия муассасалари орасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳам бор.

ЭЪТИРОФ

Тақдирот 2012 йилда ушбу йиллик мукофотни таъсис қилган **Осиё ва Тинч океани минтақаси тараққиёти молиявий институтлари уюшмаси (ADFIAP)**, **Европа барқарор ривожланиш таш-**

килоти (EOSD) ва **Карлсруэ шаҳри маъмурияти** томонидан ташкил этилди. "Барқарор молиялаштириш учун" мукофоти ADFIAPнинг иштирокчи мамлакатлари банклари ҳамда молия институтларига уларнинг иқти-

содиёт, ижтимоий соҳа ва атраф-муҳитнинг барқарор тараққиётига қўшган ҳиссаси учун топширилади.

Маросим чоғида ташкилотчилар дунёнинг 200 дан ортиқ банк ва молия муассасалари иштирок этган

танлов якунига кўра, **Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки** "Барқарор лойиҳавий молиялаштириш" тоифасида голиблар сафидан жой олганини эълон қилди. "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўли линиясини қуриш" лойиҳасини амалга ошириш учун сертификатини банк номидан Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси вакили қабул қилиб олди.

(Давоми 2-бетда).

Олий хўжалик суди Пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, Олий хўжалик суди судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, унинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган ислохотлар бугун ўз самарасини

бермоқда. Бунда, шубҳасиз, жаҳон андозаларига мос келадиган суд-экспертиза тадқиқотларини ўтказиш ва уни тақомиллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этаётди.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

20 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р. Азимов маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан парламент назорати Қонунчилик палатасининг устувор ва зифалари жумласига кирарди, шу сабабли у депутатлар корпусининг диққат-эътиборида турарди.

Қонунчилик палатасининг мажлисида таъкидлангани, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати 2013 йилда илгари тасдиқланган параметрларга мувофиқ, даромадлар харажатлардан оширилган ҳолда ижро этилди. Иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликлари аниқ мақсадни кўзлаб ва тизимли амалга оширилиши натижасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, ўтган йилда Ўзбекистон иқтисодийнинг юқори суръатларда ўсиши, макроиқтисодий мувозанатлиликни сақлаш, модернизация ва диверсификация қилиш таъминланди.

Мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8 фоиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳамжи 8,8 фоиз, кишлоқ хўжалиги маҳсулоти 6,8 фоиз, чакана товар айланиси 14,8 фоиз ўсди.

2011 — 2015 йилларда саноатнинг устувор соҳаларини ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2014 йилнинг январь — март ойларида республикамиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан

1,3 баробар кўп кредитлар берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши янги қувватларни ишга тушириш, мавжудлари фаолиятини кенгайтириш, пировардида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ва экспортдаги улушини янада оширишда муҳим омил бўлди.

(Давоми 2-бетда).



Гўзаллик саноати ютуқлари намоиши

Давлатимиз раҳбари Ислom Каримов раҳнамолигида аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтириш, айниқса, хотин-қизлар саломатлигини муҳофазалаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш юзасидан кенг қамровдаги ишлар амалга оширилаётди. Ижтимоий аҳамиятга эга давлат дастурларида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, барча соҳада хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга устуворлик берилмоқда.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Даромадлар ва жамғармаларнинг ўсиши аҳолининг харид қилиш имкониятлари ошиб боришини таъминлади. 2000 — 2013 йилларда аҳолининг истеъмол харажатлари 9,5 баравар ошди. Энг муҳим истеъмол маҳсулотлари турлари сифат жиҳатидан ўзгарди. Бунда кейинги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб борди, айни вақтда ноозик-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва хизматлар учун тўланадиган сарф-ҳаражатлар миқдори сезиларли равишда кўпаймоқда. Масалан, мамлакатимизнинг муस्ताқиллик йилларида ғўш истеъмоли — 1,4 бараварга, сўт — 1,3 бараварга, сабзавот ва полиз маҳсулотлари — 2,6 бараварга, картошка — 2 бараварга, мевалар истеъмоли — 6,4 бараварга ошди.

Юртимизда узоқ мuddат фойдаланишга мўлжалланган ноозик-овқат товарлар билан таъминлаш борасидаги аҳвол ҳам тубдан ўзгарди. Оилаларнинг замонавий маиший техника, шу жумладан, ҳолодильник, кондиционер, шахсий компьютер, телевизор, мобил телефонлар билан таъминланганлик даражаси ошди. Айниқса, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энгил автомобиллар билан аҳолининг таъминланиши эътиборлидир. Агар 2000 йилда ҳар 100 та оиллага ўртача 20 та энгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 та етди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси депутатлари таъкидладиларки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли тобора ошиб бораётганини мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий тўзилишидаги ижобий ўзгаришлардан далолатдир. Фақат ўтган йилнинг ўзида 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари ўз ишини очди, ушбу сектордаги ишлаб турган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 минггача ташкил этди. Мазкур соҳада 2000 йилдаги 31 фойз ўрнига ЯИМнинг 55,8 фойзга яқини ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотни бутун ҳажмининг 23 фойзи, бозор шартларининг деярли бутун ҳажми, маҳсулот экспортининг 18 фойзи, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганларнинг 75 фойзи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ўз маҳсулотининг экспортга етказиб берилишини кенгайтириш борасида кичик бизнес корхоналарига доимий эътибор қаратилаётгани ҳам партия электротининг манфатларига жавоб беради. Фақат «Ўзтадбиркор экспорт» иктисодлаштирилган ташки савдо компанияси томонидан кичик бизнес корхоналарининг 208,6 миллион АҚШ доллари-

лик маҳсулоти экспорт қилиниши ташкил этилди. Буларнинг барчаси экспортнинг жадал ривожлантирилиши ва экспорт таркиби диверсификация қилинишини таъминлаш, маҳсулотни реализация қилиш учун янги ташки борзорларни фаол ўзлаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси номидан сўзга чиққанлар ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари ўтган йили ҳукуматнинг диққат-эътиборида бўлганлигини таъкидлаб ўтдилар. 2013 йилда фуқароларнинг иш ҳақи, пенсиялари, ижтимоий нафақалари ва стипендиялари ошди. Шу билан бирга, ЎзДП вакиллари қайд этиб ўтдиларки, ҳисобот даврида айрим бюджет ташкилотларида маблағларни мақсадсиз сарфлашга, улардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш билан боғлиқ бузилишларга йўл қўйилган. Айрим тармоқларда тўлов интизомига риоя этилмапти, натижада дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари ўсиб бормоқда. Шу муносабат билан депутатлар бюджет маблағлари самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлаш, бюджет ташкилотларида молия интизомига риоя этилишини, шунингдек, Бюджет кодекси талабларининг бажарилиши устидан назорат янада кучайтирилишини таъминлаш учун тегишли вазирликлар ва идораларнинг, ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш юзасидан амалий тақлифлар киритдилар.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари тақдим этилган материаллар таҳлили Давлат бюджетининг даромад қисми барча соҳилар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бажарилганлигини тасдиқлашини таъкидлаб ўтдилар. Жумладан, ҳисобот йилида қўйилган қиймат солиғи бўйича даромадларда тушумларнинг 74,1 фойзи бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга тўғри келди, бу мамлакатимиз истеъмол бозори аниқ мақсадни қўзлаб ҳимоя қилинаётганидан, у сифатли ва харидорғир товарлар билан тўлдири-

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил 1-чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев маъруза қилди.

Таъкидландики, Давлат бюджети 2014 йилнинг 1-чорагида ҳам мамлакатимизнинг Бюджет кодекси асосида аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ, профицит билан ижро этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган энг муҳим устуворликлар ва вазифаларнинг амалга оширилиши 2014 йилнинг биринчи чорагида ҳам мамлакат иқтисодиёти ўсишининг ижобий динамикаси сақланишини таъминлади. Жорий йилнинг уч ойида яли ички маҳсулотнинг ўсиши 7,5 фойзини ташкил этди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари — 8,9 фойз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 6,2 фойз, чакана савдо айланмаси — 14,3 фойз ўсди.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 227,9 мингта иш ўрни, шу жумладан, қишлоқ жойларида 137 мингтадан зиёд

лаётганидан далолат беради. Ҳукуматнинг бу йўналишдаги фаолияти партиянинг устувор вазифаларига тўла мос келади.

«Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари, шунингдек, эътиборни жойларда хўжалик юриштириш субъектлар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш ва яратилган афзалликлардан самарали фойдаланиш, мавжуд имкониятлар ва резервлардан маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан тўла фойдаланиш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми мустаҳкамланишини, бюджетларро муносабатлар янада такомиллаштирилишини таъминлаш зарурлигига қаратдилар. Нотиклар иқтисодий муҳитни бозор талаблари даражасида ташкил этишга, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланишга, қишлоқларда маҳаллий хом ашёни, мева-сабзавотларни янада такомиллаштирилишини таъминлаш зарурлигига қаратдилар. Нотиклар иқтисодий муҳитни бозор талаблари даражасида ташкил этишга, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланишга, қишлоқларда маҳаллий хом ашёни, мева-сабзавотларни янада такомиллаштирилишини таъминлаш зарурлигига қаратдилар. Нотиклар иқтисодий муҳитни бозор талаблари даражасида ташкил этишга, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланишга, қишлоқларда маҳаллий хом ашёни, мева-сабзавотларни янада такомиллаштирилишини таъминлаш зарурлигига қаратдилар. Нотиклар иқтисодий муҳитни бозор талаблари даражасида ташкил этишга, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланишга, қишлоқларда маҳаллий хом ашёни, мева-сабзавотларни янада такомиллаштирилишини таъминлаш зарурлигига қаратдилар.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрича, 2013 йилда иқтисодий дастурларни тизимли ижро этиш асосида маҳаллий макро-иқтисодий мувозанат сақланди, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш ишлари таъминланди. Улар алоҳида таъкидладиларки, ҳисобот даврида Вазирлар Маҳкамаси илм-фанни ривожлантиришга катта эътибор қаратди, бу эса партиянинг дастурий вазифаларига тўла мосдир. Хусусан, 2013 йилда илм-фанны ривожлантиришга 164,7 миллиард сўм ажратилди, бундан 100,1 миллиард илмий-техника дастурларини молиялаштиришга, 17,3 миллиард инновация лойиҳаларини молиялаштиришга, 37 миллиард сўм фанни ривожлантиришга хизмат қиладиган ноёб объектлар ва муассасаларни

иш ўрни яратилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган ҳисмонан соғлом, маънавий етук, баркамол авлодни тарбиялашга доир чора-тадбирларнинг фаоллик билан амалга ошириш бошланди. Ана шу мақсадлар учун жорий йилнинг биринчи чорагида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан бир триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил 1-чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Улар мамлакатимизнинг жорий йилги асосий молиявий ҳужжати параметрлари барча давлат ва хўжалик органлари томонидан аниқ ижро этилиши зарурлигини алоҳида қайд этдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил 1-чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.

Олий хўжалик суди Пленуми

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Айтиш жоизки, ушбу қарор лойиҳасини тайёрлаш жараёнида 2011 — 2013 йилларда хўжалик ишларини кўришда суд экспертизасини тайинлаш билан боғлиқ суд амалиёти умумлаштирилиб, экспертиза тайинланган барча хўжалик иши ўрганилди ва таҳлил қилинди. Айни чоғда Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бошқармаси ҳамда бошқа тегишли муассасаларнинг тақлиф ҳамда мулоҳазалари инобатга олинди.

Қарор лойиҳасида суд томонидан тайинланган суд-экспертиза турлари ва улар ўтказиладиган экспертиза муассасалари, уни ўтказиш мuddати, суднинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажримда кўрсатилган маълумотлар ҳамда тадқиқот учун ҳужжат етарли бўлмаганда, суд томонидан уни ишда иштирок этувчи тарафлардан олиш тартиби, суд эксперти хулосаси мазмуни ва шакли юзасидан қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилган.

Суд-экспертиза жараёни билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги айрим ҳато ва камчиликларни ҳал этишда мазкур ҳужжат кўлиниши иштирокчилар томонидан алоҳида таъкидланди.

Тадбирда «Иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатларидан келиб чиқадиган низоларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бир тараф жисмоний шахс ҳам бўлиши мумкинлигига қарамай, низо юридик шахс иктисодиий фаолиятида юзага келади. Шундан келиб чиқиб, эндиликда бундай ишлар ҳам хўжалик суди томонидан кўрилади.

Хўжалик судларига ушбу тоифадаги низоларни кўриб чиқиш ҳуқуқининг берилиши соҳада ягона суд амалиётини шакллантириш имконини бермоқда. Пленум қарори лойиҳаси эса шу йўналишдаги ишларни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этишда айни мuddаодир.

Пленум мажлисида муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУҚУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР

реал сектор тармоқларини модернизациялашда алоҳида аҳамият касб этади

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2013 йилда юқори сифатли хуш-рўйлаштирувчи маҳсулотларнинг кенг асортиментини ишлаб чиқариш мақсадида ташкил этилган «Global Cosmetics» қўшма корхонаси шулардан бири. Бу ерга лойиҳанинг биринчи босқичида 391 минг АҚШ доллари миқдорига сармоя киритилиб, Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари технологиялари ўрнатилди. «Floral» бренди-

Дюнора Калонова. — Ўқишда олган билим ва кўникмаларим билан ерда асқотаяпти. Яхши ўқиб, доимо олга интилган ўзбек ёшлари ҳеч қимдан кам бўлмай, жамиятда муносиб ўрин топиши, ўзига, оиласига фойда келтиришига бугун ҳамма ғувох бўлмоқда. Ана шундай бахтли авлод вакиллари орасида мен ҳам борлигимдан фахрланаман.

Мухтасар айтганда, юртимизда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари жадал

— Ҳозиргача умумий қиймати қарийб 850 млн. сўмликдан ортиқ ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарди, — деди корхона раҳбари Отабек Таиров. — Яқин икки йил давомида лойиҳанинг қолган босқичлари доирасида соч учун бальзамлар, сувок ва каттик совун, тиш пасталари, тери учун кремлар, пардоз-андоз виситалари ва бошқа маҳсулотларни босқичма-босқич ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Шу асосда йилига импорт ўрнини босувчи 10-15 млрд. сўмлик товар ишлаб чиқариш қувватига эга бўламыз. Энг муҳими, юзта иш ўрни яратилади.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

— Мана шундай замонавий корхонада ишлаётганимдан нафақат ўзим, балки уйимдагилар ҳам жуда хурсанд, — деди Тошкент кимё-технологиялари институтини тамоғлаб, айни пайтда ушбу корхонада бош технолог лавозимда фаолият юритаётган

С. МАХСУМОВ.

Қисқа сатрларда

● Наманганда «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Уч кун давом этган тадбир доирасида «Президент асарлари билимдонни», «Депутат ва ёшлар», «Замонавий қаҳрамонлари», «Оммавий маданият» ҳамда ёшлар маънавияти» каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди.

● «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкида 2013 йилдаги молиявий фаолият сарҳисоби ва 2014 йилда амалга оширилаётган устувор йўналишларга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, омонатчилар, акциядорлар ҳамда банкнинг бошқа кредиторлари манфаатларини ҳимоялаш, аҳолига кўрсатилаётган банк хизмати турларини янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасидаги ишлар қўламини кенгайтиришга доир вазифалар белгилаб олинди.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 20 июнь кuni «Юксак маънавиятли авлод» республика ижодий фестивали бошланди. Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан уюштирилган мазкур фестивалга маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, ёзувчи ва шоирлар, ижодий лойиҳанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари тақлиф қилинди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Бўш иш ўринлар ярмаркаси

Жорий йилнинг ўтган даврида қирқ нафардан зиёд кишини иш билан таъминлаган Бухоро вилояти ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакиллари навбатдаги меҳнат ярмаркасидан катта ютуқ билан қайтишди.

БАНДЛИК

Ушбу жамоа «Ёшларни энг кўп ишга қабул қилган корхона» м о м и а ц и я с и д а биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Вилоят ҳокимлиги,

вилоят прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ярмарка доирасида шундай тан-

ловнинг ўтказилган тадбирга бўлган қизиқишини янада кучайтирди. Чунки, вилоят кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси, Бухоро йўл-кўприк қурилиш корхо-

налари ҳам энг кўп иш берувчилар сафидан ўрин олди.

Умуман, ярмаркада 193 та корхона ва ташкилот жами 2199 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир натижаларига кўра, 588 нафар кишига ишга жойлаштириш учун йўланмалар берилди.

И. ИСТАМОВ.

МАҲАЛЛАНИНГ ОРАСТА ҚИЗЛАРИ

билим ва иқтидорларини намоийш этишди

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— 2013 йилда республика миқёсидаги барча маҳалларда ташкил этилган «Ораста қизлар давраси» тўғраги бугун ўз ижобий натижаларини бермоқда, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Озода Парпибоева. — Жумладан, маҳалла қизларида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ўз хонадонини, маҳалласи ва атроф-муҳит тозаллигига эътиборни кучайтириш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, оила, никоҳга оид тушунчаларини кенгайтиришда ушбу тўғрақларнинг ўрни салмоқли бўлмоқда. Улар ишини жон-

лантириш мақсадида ташкил этилган мазкур форум, шубҳасиз, қизларимизни умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида, юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялашда долзарб аҳамият касб этади.

Шу ўринда айтиш жоизки, жойларда «Ораста қизлар давраси» қўриқ-танловлари уч босқичда уюштирилиб, унинг қуйи босқичларида 50 минг нафарга яқин қизлар иштирок этди. Ҳар бир туман, шаҳардан бир нафардан фаол, етакчи, ташаббускор иштирокчи танлаб олинди, муайян ҳудуд жамоаси шакллантирилди.

Форумда қатнашган 14 жамоа Ватан, оила му-

қаддаслиги, саломатлик ва озодгарчилик, юртимизда жорий этилган 12 йиллик таълим тизимининг самарадорлиги, муомала, кийини маданияти, оила, одоб-ахлоқ меъёрлари, хонадонлар, қўчалар, маҳаллалар ободлиги, миллий анъана ва урф-одатларимизнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги билимларини саҳна кўринишлари орқали намоийш этишди.

— Форумдан катта таассурот олдик, — дейди Қашқадарё вилояти «Нафосат» жамоаси сардори Шаҳноза Юсупова. — Ўз навбатида, биз яқин қариндошлар ўртасида ва эрта никоҳларнинг олдини олиш, хонадонни саранжом-саршита тутиш, оила муқаддаслигини теран англаб етишга

оид билимларимизни синовдан ўтказдик. Буларнинг барчасини «тенгдош — тенгдошга» тамойили асосида дугоналаримизга етказиш, улар ўртасида маънавий соғлом муҳитни қарор топтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки ораста, оқила, зукко, билимдон ва ташкилотчилик қобилиятига эга қизлар нафақат оила ва маҳалланинг, шунингдек, жамият ва она-Ватанимизнинг ҳам фахри, ғуруридир.

Форумда иштирок этган жамоаларнинг маҳаллаларда олиб бораётган ишлари, ҳуқуқ, тиббиёт, иқтисодиёт соҳаларидаги билимларига алоҳида эътибор қаратилди. Танлов ғолиблари ҳомий ташкилотлар томонидан диплом ва совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Зиёда АШУРОВА.

Ўзбекистон Миллий банки — халқро мукофот соҳиби

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

«Жаҳон» АА мухбири билан суҳбат чоғида **ADFIAR бош қотиби Октавио Перальта** Ўзбекистон томонини мукофот билан чин қалбдан табриқлар экан, «Бу Ўзбекистон Миллий банкининг мамлакат ижтимоий соҳаси тарққийётига кўмаклашиш борасидаги фаолиятининг юксак халқаро эътирофи бўлди», дея таъкидлади. У Ўзбекистон банки ADFIARнинг энг фаол аъзоларидан бирига айланганини қайд этди.

Ўзбекистонда турли йўналишларда, жумладан, банк-молия соҳасида республикамиз молия муассасаларининг барқарорлиги ва ишончилигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ислохотларни юқори баҳолар экан, О. Перальта Ўзбекистон Миллий банки билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришдан умидворлигини маълум қилди.

«Жаҳон» АА,
Берлин-Карлсруэ



Яқинда Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки ташаббуси билан “Ёшларнинг бизнесдаги биринчи қадами” мавзуда анжуман ташкил этилди. “Банк ва коллеж ҳамкорлиги” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда вилоят ҳокимлиги, коллежлар бошқармаси, касб-хунар коллежлари раҳбарлари, битирувчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ёшларнинг бизнес фаолияти

“Микрокредитбанк” томонидан қўллаб-қувватланмоқда

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги Фармони асосида фаолият юритиб келаётган “Микрокредит-банк” ўтган вақт мобайнида қўллаб-қувватлаш орқали чекка ҳудудларда янги иш ўринларини ташкил этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўтказилган тадбир ҳам ҳудудлардаги касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, ёшларнинг инновацион лойиҳа ва ташаббусларини амалиётга татбиқ этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу борада “Микрокредит-банк” очик акциядорлик тижорат банки Президентимизнинг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан 2013/2014 ўқув йилида касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича тадбиркорликни бошлашлари учун бизнес-режалар ишлаб чиқиш ва бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш, пировардида доимий иш ўрни яратиш

борасида қўраётган чора-тадбирлари, айниқса, диққатга сазовордир. Жумладан, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси



билан ҳамкорликда ёшлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ёш тадбиркор — юртга мададкор”, “Менинг бизнес гоям” лойиҳалари амалга оширилади.

Тадбирда сўзга чиққан чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони ижроси юзасидан 2013/2014 ўқув йилида касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича тадбиркорликни бошлашлари учун бизнес-режалар ишлаб чиқиш ва бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш, пировардида доимий иш ўрни яратиш

ниш истагида банк филиалларига бизнес-режаларини тақдим этмоқдалар. Ўз навбатида, ёшларнинг истиқболли лойиҳалари танлаб олиниб, уларни молиялаштириш ишлари бошлаб юборилган. Бу бо-

субъектларига ажратилган жами кредитларни 645 млрд. сўмга, шундан кўрсатилган микроолиявий хизматлар ҳажми 295 млрд. сўмга етказиш кўзланмоқда. Йил бошидан буён эса муассаса томонидан соҳа вакиллари жами 249,1 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шундан имтиёзли микроолиявий хизматлар миқдори 114,9 млрд. сўмга етказилиб, белгиланган прогноз-кўрсаткич 102 фоизга бажарилди. Бунинг ҳисобида 4 минг 608 та иш ўрни яратилди.

Айни пайтда банк жамоаси “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида чекка туманларда истикомат қилаётган ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган вақт давомида ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 минг 584 нафар ёш тадбиркорга 10,3 млрд. сўм миқдорда микрокредит, хотин-қизлар тадбиркорлигига 29,4 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Олиб борилаётган ишлар самараси ўлароқ, банк томонидан жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Тадбир давомида, шунингдек, ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига яратган маҳсулотлари кўرғазмаси намойиш этилиб, пухта бизнес-режага эга бўлган ёшларга “Микрокредитбанк” томонидан имтиёзли сармоя олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар топширилди.

Исмигул ЮСУПОВА.

Ҳурматли юртдошлар!



«АСАКА» банки (ОАЖ)

миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«ТАЪТИЛ — 2014»

Ушбу омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий ҳамда хорижий валюталарда қулай шартларда 91 турдаги омонатларни таклиф этади.

Мазкур омонат турларини банкнинг барча филиалида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	(8-371)	120-83-13
«Автотранспорт» филиали	(8-371)	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	(8-371)	140-39-36
Юнусобод филиали	(8-371)	221-80-67
Сергели филиали	(8-371)	257-44-10
Тошкент вилояти филиали	(8-371)	120-84-13
Андажон вилояти филиали	(8-374)	298-02-10
Асака филиали	(8-374)	233-15-68
«Фарход» филиали	(8-374)	226-97-53
Фарғона вилояти филиали	(8-373)	224-70-83
Марғилон филиали	(8-373)	237-62-23
Олтиарик филиали	(8-373)	432-10-11
Кўкон филиали	(8-373)	552-61-06
Наманган вилояти филиали	(8-369)	226-91-45
Навоий вилояти филиали	(8-436)	770-24-09
Зарафшон филиали	(8-436)	573-18-75
Бухоро вилояти филиали	(8-365)	223-70-05
Бухоро шаҳар филиали	(8-365)	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	(8-366)	233-65-47
«Афросиёб» филиали	(8-366)	221-75-40
Қашқадарё вилояти филиали	(8-375)	221-07-41
Сурхондарё вилояти филиали	(8-376)	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	(8-361)	770-60-56
Хоразм вилояти филиали	(8-362)	226-96-03
Сирдарё вилояти филиали	(8-367)	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	(8-372)	226-43-11

«АСАКА»
БАНКИ (ОАЖ)
САРМОЯНИГИЗНИНГ
САҚЛАНИШИ
ВА ҚўПАЙИШИНИ
КАФОЛАТЛАЙДИ.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз: **Хизматлар лицензияланган.**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

қишлоқ врачлик пунктлари учун дори воситалари ва реактивларни консолидар харид бўйича ретендер савдоларини эълон қилади.

Ретендерда қўйиладиган шартларни бажарган, ретендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган мамлакатимиз эъзаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилари), шу жумладан, кичик бизнес корхоналари қатнашиши мумкин.

Юртимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

Ретендер комиссияси ишчи органининг номи: Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси.

Ретендер комиссияси ишчи органининг манзили: 112038, Фарғона шаҳри, Юксалиш кўчаси, 104-уй. Телефонлар: (8-373) 244-36-43, 244-24-42. Факс: (8-373) 244-37-03. Электрон почта: farssb@mail.ru

Банк реквизитлари:

Молия вазирлиги ғазначилиги х/р: 23402000300100001, СТИР: 201122919 Марказий банк ХҚММ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси, МФО: 00014, ш/х/р: 400121860304017950100054006, СТИР: 200151432, ОКОНХ: 97400.

Танлов предмети:

Қуйидаги лотлар бўйича маҳсулотларни етказиб бериш:

- * 1-лот — шошилич тиббий хизмат кўрсатиш учун дори воситалари;
- * 2-лот — реактивлар;
- * 3-лот — тиббий буюмлар ва сарфлаш материаллари.

Харид қилинаётган маҳсулотларнинг максимал нархи ва тўлов шартлари ретендер ҳужжатларида акс эттирилади.

Етказиб бериш шартлари:

Барча етказиб берувчилар учун — Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига туман тиббиёт бirlашмалари дорихона омондорларига маҳсулотлар етказиб берилиши шарт.

Етказиб бериш муддатлари тендер савдолари ва ретендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Ретендер бошлангунча вилоят танлов комиссияси томонидан савдода иштирок этишни истаган талабгор фирма ва корхоналарнинг малакавий танлови ўтказилади.

Ретендер ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм ва закатал (ретендер таклифи кафолати) шартнома миқдорига қараб, 2 500 000 сўмдан 37 500 000 сўмгача бўлиб, ретендер (танлов) ҳужжатлари ва закатал тўлови пул ўтказиш йўли билан Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ретендерда қатнашувчилар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун муддат ичида ҳужжатларни тайёрлаб, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ретендер ишчи гуруҳига тақдим этиши керак.

9378/501

Ташкилот ва корхоналар диққатиغا!

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ергеодезкадастр»)

геодезия, полиграфия, компьютер жиҳозлари, тупроқ лабораторияси ва дизель генераторларини етказиб бериш бўйича

ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Етказиб бериш шартлари — СІР Тошкент (аэропорт ёки темир йўл станцияси).

Етказиб бериш жадвали — қайтарилмайдиган аккредитив очилган пайдан бошлаб 120 (бир юз йигирма) кун ичида.

Тўлов шартлари — хариддорнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банкда ёки у билан корреспондентлик муносабатларига эга бошқа банкларда, етказиб берувчи фойдасига қайтарилмайдиган ҳужжатли аккредитив СІР Тошкент шартлари асосида Ўзбекистон Республикасига товарни келиб тушганини тасдиқловчи ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси боғжона органи белгиси туширилган нақдхойлар ва бошқалар) банкка тақдим этилганидан сўнг эркин конвертацияланадиган валюта ҳисобини очиш йўли билан амалга оширилади.

Товарларни сотиб олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига (бундан кейин — бюротмачи) ажратилган давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Харид қилинадиган товарнинг максимал нархи АҚШ долларида:

Лот № 1. Полиграфия ускуналари: варақ тахлаш машинаси, тўплам учун максимал қиймат — 66000,0 АҚШ доллари, миқдори — 1 тўплам.

Лот № 2. Тупроқ лабораториялари учун асбоб-ускуналар: 9 та ускунадан иборат тўплам, тўплам учун максимал қиймат — 76200,0 АҚШ доллари, миқдори — 1 тўплам.

Лот № 3. Юқори аниқликдаги 2 частотали GPS-приёмник, тўплам учун максимал қиймат — 45000,0 АҚШ доллари, миқдори — 4 тўплам.

Лот № 4. Юқори аниқликдаги 1 частотали GPS-приёмник, тўплам учун максимал қиймат — 5000,0 АҚШ доллари, миқдори — 25 тўплам.

Лот № 5. Юқори аниқликдаги нивелир (Н-05 ёки Ni002 русумига тенг), тўпламда штатив ва инвар рейкаси билан, тўплам учун максимал қиймат — 4000,0 АҚШ доллари, миқдори — 1 тўплам.

Лот № 6. Сервер, тўпламда, доноси учун максимал қиймат — 8000,0 АҚШ доллари, миқдори — 15 тўплам.

Лот № 7. Дизель генератор:

а) маълумотларни қайта ишлаш учун республика марказига, тўплам учун максимал қиймат — 62000,0 АҚШ доллари, миқдори — 1 тўплам;

б) маълумотларни қайта ишлаш учун ҳудудий марказларига, тўплам учун максимал қиймат — 50000,0 АҚШ доллари, миқдори — 5 тўплам.

Тендер савдоларида қатнашиш учун даввогарга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

* фуқаролик ҳуқуқий қобилияти ва шартнома тузиш учун ваколатлар;

* тендер савдолари предметига ўхшаш товарлар, ишлар ва хизматларни етказиб бериш тажрибасининг мавжудлиги — камида икки йил.

Тендер савдоларида иштирок этиш ва тендер ҳужжатларини олиш учун тендер савдолари ташкилотчиси — «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Геодезия ва картография миллий марказига қуйидаги манзил бўйича сўров билан мурожаат этиш зарур:

Геодезия ва картография миллий маркази, 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» даҳаси, Бунёдкор шоҳқўчаси, 28-уй, 200-хона, телефон: (+99871) 276-36-96.

E-mail: info@ygk.uz alexander_samborsky@yahoo.com

Тендер ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 300,0 (уч юз) АҚШ доллари. (Corr. Acc. 20210840300112480001 SAYONATBRANCH of the National Bank of Foreign Economic Relations of Uzbekistan. SWIFT CODE: NBUZUZ2X).

Тендер савдолари юқорида кўрсатилган манзил бўйича тендер савдолари ташкилотчиси томонидан қабул қилинади. Тендер таклифларини беришнинг сўнгги муддати 2013 йил 21 июль кунини Тошкент вақти билан соат 15.00 гача.

9398/502

“Ўзнефгазқурилишинвест” акциядорлик компанияси жамоаси бош директор ўринбосари Шухрат Нажмидиновга падири бузруквори

АМОН отанинг

“Ўзултуржисавдоинвест” уюшмаси жамоаси савдо фахрийси

Музроб НАСРЕДИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

